

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2008 йил. 18 АПРЕЛЬ. ЖУМА

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирокида «Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетидида Хоразм вилоятидаги ўқув юртли, жамғармалар, сиёсий партиялар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида учрашув ўтказилди. Унда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг бажарилиши, уни амалга ошириш борасида олдinda турган вазифалар муҳокама қилинди.

• Термиз шаҳри ва Денов туманида маҳаллалар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ташкилот ва муассасаларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, халқ таълими тизими, жамоатчилик вакиллари иштирокида «Баркамол авлод — келажак пойдевори» мавзусида икки кунлик семинар бўлиб ўтди.

• Тошкент вилояти табииёт муҳофазаси қилиш кўмитаси ташаббуси билан Қибрай туманидаги молия иқтисодиёти коллежидида «Экологик билимлар кўнига» бағишлаб ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Табият — бу ҳаёт» мавзусида экофорум ўтказилди.

• Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Ҳузур туманида «Шу азиз Ватан — барчамизники» шиори остида дўстлик форуми ташкил этилди.

• Самарқанд вилоятидаги қишлоқ ҳудудида ташкил этилган дастлабки кредит уюшмаси Булунғур туманида ўз фаолиятини бошлади. «Агронур» номли мазкур кредит уюшмаси ўз сафларига 500 дан ортиқ аъзони бирлаштирган.

• Бекобод шаҳридаги дехқон бозорида қўшимча равишда 32 та дўкон очилди. Буюм бозорида эса маъмурий бино ва 28 та турли савдо растаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

• Паркент туманидаги «Навбахор» агрофирмаси ҳудудида тоқзорларни турли-туман зараркундалардан муҳофазаси қилишга иқтисодлашган биологларнинг ташкил этилди. У Бўстонлиқ, Оҳангатор, Қибрай, Тошкент ҳамда Зангиота туманларидаги мижозларга ҳам хизмат кўрсатади.



ЖАҲОНДА

• Кеча Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Италияга ташриф буюриб янги бош вазир Сильвио Берлускони билан учрашди. Бу Берлускони Бош вазирликка сайлангандан буён учрашган дастлабки хорижий давлат раҳбаридир.

• Россия Федерацияси Россиянинг бир нечта компаниялари билан ҳамкорлик юзасидан йirik микдордаги шартномалар имзоланганлиги учун Ливиянинг 4,6 миллиард долларлик қарзидан воз кечди.

• Кеча Афғонистоннинг жанубий-ғарбий қисмида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 16 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Кеча Сомалида мустақил радиостанция ёпилиди, беш киши ҳибсга олинди.

• Кеча АКШдаги Шимолий Иллинойс университетида теракт хавфи юзага келганлиги учун барча ходим ва талабалар хавфсиз жойга эвакуация қилинди.

• Хитой полицияси Тибет мухтор префектураси билан чегарадош Гансу провинциясидаги 11 та ибодатхонада мавжуд бўлган курул-яроғ омборини фош этди. Бу ибодатхоналар тибетлик роҳиблар томонидан бошқариб келинган бўлиб, айна пайтда полиция куруллар, портлатиш мосламалари ва алоқа воситалари қаердан келгани ҳамда нима мақсадда сақланаётгани бора-сида текширувлар олиб бормоқда.

• Вашингтонда дунёдаги илк журналистика тарихи ва матбуот эркинлиги музейи очилди. Ўшбу музей етти қаватли бинодан иборат бўлиб, унда дунёнинг асарият давлатларида чоп этиладиган етакчи газеталар нусхалари, фотосуратлар, ҳужжатли фильмлар ва телестудия жойлашган.

• Forbes журнали дунёнинг энг «соғлом» давлатлари рейтингини эълон қилди. Турли мавзуларда рейтинг тузиш билан танилган мазкур журнал мутахассислари навбатдаги рўйхатни тузишда давлатларнинг об-хавоси заҳарланиши микдори, яхши табийий ҳизмат, тоза ичимлик сувига эгаллиги, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ва мамлакатлар табийий флораси бойлигига эътибор қаратишди. «Энг соғлом давлатлар» учлиги Исландия, Швеция ва Финляндия кирди.

• Френсис Беконнинг шоҳ асарларидан «Триптих 1976» картинаси Sotheby's аукционидида кимошди савдосига қўйилди. Кимошди савдоси бўйича экспертларнинг башорат қилишларича, рассомнинг бу асари аукционда сотилган картиналар орасида рекорд ўрнатиши мумкин бўлади. Сотувда «Триптих 1976»га бериладиган дастлабки баҳо 70 миллион АКШ долларига тенг бўлиши айтилмоқда. Уч қисмдан иборат картина хусусий коллекционерга тегишлидир.

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 74 (11.135)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

УЧ КУН ДАВОМИДА ШАҲРИМИЗДА БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ХАЛҚАРО «ЭНЕРГЕТИКА. КИМ. МАШИНАСОЗЛИК» ҲАМДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ «ЛАБОРАТОРИЯ-ЭКСПО» КЎРГАЗМАЛАРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТДИ. КЎРГАЗМАЛАР ТАШКИЛОТЧИСИ «ZAR-EXPO» КОМПАНИЯСИ БЎЛСА, ЛОЙИХАЛАРНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, «ЎЗБЕКЭНЕРГО», «ЎЗКИМСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВА «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ РАСМИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВЛАДИ.

Кўргазмалар

ҲАМКОРЛИК УЧУН ИМКОНиятлар ЯРАТИЛМОҚДА

Ушбу кўргазмаларнинг бир вақтда ўтказилишидан кўплаб мақсадлар кўзланган ва биринчи навбатда бу маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг сафини кенгайтириш, корхоналар мутахассисларини турдош соҳаларда кейинги йил-



ларда эришилган сўнгги ютуқлар билан яқиндан таништириш, интеграциялашган саноат ечимларини излаб топишларига қўлай шарт-шароит, яхши имкониятлар яратилди. Экспозицияларда Германия, Россия, Қозғоғистон, Туркия, Латвия, Япония, Швеция давлатларининг 30 дан ортиқ етакчи компаниялари вакиллари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз замонавий маҳсулот ва технологиялари билан иштирок этишди.

Жумладан, иштирокчилар орасида «Ўзакэбел», «Ўзэлектроаппарат—Электротех», «Тошкент лок-бўёқ заводи», «Хи—Теч-кабель», «Пеленг», «Элок-пром», «ОКБ-Спектр», «Глобал-инсулэйттор групп», «Релтек» каби етакчи корхоналарни санаб ўтиш мумкин. Кўргазмага энергетик ускуналар ва технологиялар, шу жумладан юқори ва паст қучланилиш ускуналар; назорат-ўлчов жиҳозлари; кимё ва нефть-кимё саноати ускуналари, дастгоҳлар; энергетик объект бошқаруvinинг автоматлашган тизимлари; лок-бўёқ маҳсулотлари; индукцияли печь ва компрессорлар; электродвигатель ва генераторлар; монтаж ускуналари, олмосли ўлчов ва электр асбоблари қўйилди.

Иккинчи марта ўтказилаётган Марказий Осиё «Лаборатория-экспо» иқтисодлашган кўргазмаси ҳам қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Боиси — унинг мавзуси шунчаки танланмаган: кўргазмада иштирок этиш учун кенг истеъмол, шунингдек корпоратив йўналишда юқори сифатли лаборатория маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар жалб қилинди.

Яна шунчи алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу кўргазма Марказий Осиё минтақасида юқоридаги йўналишга бағишланган ягона кўргазма ҳисобланади. Унда замонавий, жаҳон талаблари даражасидаги назорат-ўлчов, аналитик жиҳозлари; кимёвий реактивлар; лабораториялар учун зарур бўлган хом ашё материалларини ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялар катнашди.

Сирасини айтганда, жаннатмакон юртимиз замирида кўплаб нефть, газ конлари мавжуд ва бу борада ўзимизда бир қатор йirik металлургия комбинатлари, кимё саноати корхоналари самарали фаолият юритаётгани қувонарлидир. Улар учун иккала кўргазма ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: «Энергетика. Кимё. Машинасозлик» халқаро кўргазмасидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ИСПАНИЯ ҚИРОЛИГИ ХАЛҚ ХИМОЯЧИСИ ЭНРИКЕ МУГИКА ГЕРЦОГ РАҲБАРЛИГИДАГИ ИСПАНИЯ ОМБУДСМАНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ 17 АПРЕЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ДИПЛОМОР ТОШМУҲАМЕДОВА БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентаризм, Омбудсман иши, ҳуқуқ-тартибот ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг уч-

рашуварларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Испаниянинг олий қонун чиқарувчи органлари ва Омбудсманлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақдиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Ўзметов тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида депутатлар уни тақдимлашларишга қаратилган барча тақдифларни қўриб чиқдилар. Киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н.Алимов «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси тўғрисида маърузаси бўйича депутатлар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар бозор муноса-

ма қилинганидан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

«Ветеринария тўғрисида»-ги ва «Ўсимликлар карантини тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгартишлар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳасини Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг аъзоси Қ.Иброҳимов тақдим этди. Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси батафсил қўриб чиқилгандан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси С.Махмудовнинг маърузаси бўйича депутатлар «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар бозор муноса-

батлари шароитида акциядорларнинг ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар ва қонун лойиҳасининг бир қатор нормаларини янада аниқ таърифлашга қаратилган тақдифлар киритдилар. Ушбу тузатишларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Ш.Каримов «Техник тартибга солиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида депутатлар фуқаролар ҳаёти ва соғлигини, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, табийий ресурслардан оқилона фойдаланиш, миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида техник тартибга солишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини аниқ белгилаш ҳамда бу соҳада ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш муҳим-

юзасидан фикр алмашилди. 2007 йил 11 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан Испания Қиролиги Халқ химоячиси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди. Томонлар парламентлар ва Омбудсманлар ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Испания Омбудсмени делегацияси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Мирбобоев билан ҳам музокара ўтказди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

17 апрель кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

лигини таъкидладилар. Депутатлар томонидан киритилган тақдифларни муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов томонидан тақдим этилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини қўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан киритилган тақдифларни муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар кун тартибига киритилган бошқа масалаларнинг муҳокамасини кейинги ҳафтада давом эттирадилар.

(ЎЗА)

Кеча сатрларда

• **КЕЧА** Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Тошкент шаҳар ҳокимилиги ташаббуси билан шаҳар фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида уюштирилган тадбир Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиви кўтиб олиш масаласига бағишланди.

• **КЕЧА** Тошкент Транспорт коллежидида ёшларни диний экстремизм ва акцидентаристик иллатларидан асрашда маънавий-маърифий тарбияни янада кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбир Маънавий тарбиёт марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан уюштирилди.

• **БУГУН** Ҳамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан Тошкент Маданият коллежи ҳамкорлигида уюштирилган семинар-тренинг «Маданият уйларида режиссёрлар фаолияти» деб номланди.

• **ЁШЛАР** йили муносабати билан Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлигида мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларига спорт анжомлари тўхфа этилди.

• **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 257-мактабда «Шунқорлар» мусобақаси уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Мавсумий байрам арафасида газетамизнинг махсус сонига бағишланган мақола тайёрлаш учун бош муҳаррир ҳузурига тўпландик. Қисқа ва лўнда ўтган йиғилишда таҳририятнинг барча ходимлари ўз бўлими нуктаи назаридан келиб чиқиб, тегишли топшириқлар олишди. Гарчи ишга янги келган бўлсам-да, қамина ҳам бундан четда қолмади. Ёш, оёғини ўч қачнайд, деб менга узок бир тумандаги етакчи ҳўжалиқнинг илгор сўт соғувчиси ҳақида лавҳа ёзиш вазираси топширилди.

Йиғилиш тугагач, иш ҳойимга тушиб нотиш ҳақрамонининг ўзим билмас ҳусу-сиятлари ҳақида ўйлаб ўтирсам, бўлим мудиримиз олдимга келди.

— Ҳа, Маҳмадали жуда ўйланб қолиб-сиз. Назаримда ёзилмақ ажиб бир лавҳа бошда пишпоти шекилли-да. Унча ташвиш тортманг. Ишингизни осонлаштирувчи востита бор. Ўша сўт соғувчи аёл ҳақида бундан ўй йил аввал мен каттагина очерк ёзганман. Мана ўша газета. Бир танишиб чиқинг. Ҳар қалай ҳақрамонингиз ҳақида дастлабки тушунчалар ҳосил бўлади. Кейин ёзишга ҳам унчалик қийналмасиз, — дед қўлидаги газетани олдимга ташлади.

Девонанинг иши ўнглагани шу-да. Бу ғамхўрлик учун мудирга раҳмат айтиб, дарҳол газетани қўлга олдим. Йўқотган нарсани топиб олгандек унинг учинчи бети-да эълон қилинган очеркни ўқишга киришиб кетдим. Қарасам унда мен учун зарур бўлган барча маълумотлар бор эди. Фақат ҳақрамоним билан юз қўришиб, баъзи бир эскирган рақамларни янгиласам олам пулистон. Қўлинг ўргилсан лавҳа тайёр бўлади.

Эртасига ҳисобхонага кириб ҳўжатларни расмийлаштиришдан-да уч кўнлик сафарга йўл олдим. Туманлараро автобуслар қатнайдиган автостанцияга келиб жадвали кузатсам мен учун керакли бўлган автобуснинг йўлга чиқишига роса уч соат вақт бор экан. Уйда шошилиб, нонушта қилганим эсимга тушиб ақиндаги ошхонага кирдим. Бир бурчакдан жой олиб бўюрта бераётган эдим, тамаддихонага курс дош дўстларим Наби билан Содиқ кириб келишди. Ҳаммамиз тасодифий учрашувдан хурсанд қўчоқлашиб қўришдик. Хол-аҳвол сўрашгандан сўнг билсам улар Сирдарё томонга балиқ овига кетишадиган экан.

— Бугун жума, эртага шанба, сўнг якшанба. Ов баҳона уч кун мазза қилиб, дам олиб қайтамиз, — дейишди улар.

Оҳ, оҳ, сайру-саҳёт, балиқ ови менинг ҳам жону дилим. Олдин хабар топганимда бир баҳона қилиб хизмат сафаридан кечган бўлардим. Энди кеч. Ўзимни қўярга жой топпай турибману, дўстларим сен ҳам биз билан юр деб зўрлашди. Боролмаслигимни айтиб уларга қўлимдаги газетанинг учинчи бетида эълон қилинган очеркдаги аёл ҳақида лавҳа ёзишим кераклигини айтдим. — Қўлингда тайёр газета, унда ҳақрамонинг ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлса у ерга боришинг шартми? Шу газетадан олиб, бичиб-тўкиб уч-тўрт қорғоз лавҳа ёзиб ташлаш иш эканми? — дея билимдонлик қилишди дўстларим.

Ўйлаб турсам уларнинг гапида жон бор. Тайёр материал бўлгандан кейин қўра бўлиб бориб нима қиламан. Ундан қўра уч кўнлик хўнобгарчиликдаги хизмат сафарини, шунча кўнгилик хўрсандчиликка бағишласам яйраб-яшнаб қайтаман. Лавҳа ёзиш бўлса бир амалларман. Хуллас, уч-човлон «ўрага сичқон тушди гулдор гўл» дедик-да, тил бириктириб Сирдарёга жўнаб кетдик.

Саҳватимиз ҳам унумли, ҳам кўнгили ўтди. Ўйин-қўлги билан кўнлар қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қўлдик. Анча-мунча ўлжа билан ўйга қайтдик. Бир яхшининг бир ёмони деганларидек шу кўни кечаси билан ўтириб лавҳани ёзиб, тонг чоғи уни тутадим. Бир-иккита рақамларни ўзимча ўзгартирдим. Масалан, очеркдаги 25 та қорамол сонини 15 тага оширдим. Бир кунда соғиб олинмаган сўт микдорига ҳам ўзимча қўшимча қилдим. Ахир газетада ёзилмаган қ а ҳ р а м о н илгор сўт соғувчи бўлгандан кейин бир жойда қотиб қолмаслиги керак-да. Ҳеч бўлмаса, ҳар йили ҳар бош ситгидан олинмаган сўт микдорини бир литрга қўпайтирмаса унинг илгорлиги қайда қолди.

Бўлим мудиримиз лавҳани ўқиб қўриб бир-иккита рақамлардан шўбҳаланди шекли сўради. — Фақтларни тўғри олдингизми ишқилиб?

Ҳаммаси рисоладагидек. Ҳеч қандай шўбҳага ўрин йўқлигини айтдим. Лавҳа «Дондор сўт соғувчи» сарлавҳаси остида газетанинг байрам сониде босилиб чикди.

Бош муҳарриримиз лавҳани ўқиб бўлим мудиримизга мени роса мактабди. — Шогирдингизнинг машқи яхши. Шу кетишда борса қалами ўтир журналист ҳақиди ундан, — дебди.

Бу гапни оқизмай-тоғизмай бўлим мудиримиз менга айтди. Мақтов кимга ёқмайди. Ёгдек эрдим. Ҳали ўзини қўрмай дов-

дир-совдир қилиб ёзганим шунақа бўлса, ҳақрамон билан чинакам учрашиб ёзсам мендан зўри бўлмас экан-да, дейман ўзимча.

Ҳаммаси орадан тўрт кун ўтгач бошланди. Эрталаб ишга келсам бўлим мудиримиз индамай қўлимга хатжиде тутқазди.

— Ичиндаги хати билан ўқиб, танишиб чиқинг.

Уни жиддий бу гапидан ҳар қалай бир ёмонлик борлигини ҳис қилдим. Конвертдан хатни чиқариб ўқий бошладим. Унда қўйидагилар ёзилганди.

«Ҳўрматли муҳаррир! Газетангизнинг байрам сониде эълон қилинган онажонимиз ҳақдаги мақола учун катта раҳмат. Албатта, марҳумларни ёдга олиш савоб иш. Лекин бир нарсаси бизни ҳайрон лол қолдирди, у ҳам бўлса мақоланинг жонли мулоқот, яъни сўхбат тарзида ёзилганлиги. Сабаби, онамиз бундан бир йил олдин вафот этганлар. Шу боис марҳумлар билан ғойибона тиллаша оладиган муҳбирингизнинг башоратчилик қудратига нафақат биз, балки мақолани қўлма-қўл ўқиб чиққан бутун туманимиз ахли тан берди.

Эхтиром ила Шириновлар оиласи». Эртасига таҳририятнинг қора доскасидан қўйидаги буйруқ ўрин олди.

«Қўзбўямачилик билан йўқдан бор қилиб, лавҳа тайёрлаган Маҳмадали Сафаралиевга шахсий делосига ёзиш шарти билан қатъий ҳайфсан эълон қилинсин. Огоҳлантирилсинки, агар яна бундай башоратчилик ҳолати такрорлангудек бўлса, уни ишдан ҳайдашгача бўлган қатъий чора қўрилади.

Бош муҳаррир». Бу воқеадан сўнг, гарчи орадан анча йиллар ўтиб, ўша сабоқдан тўғри хулоса чиқарган бўлсамда, ҳар қалай ҳозирда ҳам сўхбатдошини қўрмасдан, билмасдан таваккалчилик билан мақола битувчи баъзи журналистлар борлигини эшитиб қолсам, ўзимни ушбу жанрнинг бошловчиси сифатида ҳис қилиб ғурурланиб қўяман.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

ДОҒДА ҚОЛДИЛАР...

Ҳазил шеър

Хонтурувнинг туши қизик ҳангома,
Таърифини келтириб ёздим бир нома.
— «Бошлиқ ахир бошлиқ-да тўйи ҳам қатта,
Тўйга қуруқ бормайди ҳеч ким албатта.
Бошлиқимиз зор эмас қатта-пўтмага,
Фақат «қўк»дан узатинг бизнинг қаттага.
Унда қолиб кетмайди бўлинг хотиржам,
Ёшлиқ амал талабга айлайди қарам»...
Қотибанинг шу билан тугади сўзи,
Икки «қўк» юзмалини ташлади ўзи...
Ёшлиқ амал талаблар кетди ёғилиб...
Қўтанинг ўзи қолди таси тешилиб...
Қўтларлар иззат-иқром, қатта-қатта жой,
Эрта-индин бошларга қўнғуси ҳўмой,
Лекин қархи қажрафтор ундай қилмади,
Шунча тўёнларни қўзға илмади.
Бошлиқнинг иши қаттоқ — ишдан олдилар,
Ёшлиқ жойини қўтсанлар, доғда қолдилар...
Тўроб АҚБАРҲУҲАЕВ

ҲИММАТИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ

— Менга бугун эртароқ жавоб берсангиз, хотиним билан бозорга чиқиб, у-бу харид қилмоқчи эдик, — деди ходим бошлиғига.
— Бунинг сира илоҳи йўқ, — деб рухсат бермади бошлиқ.
— Миннатдорам, -деди ходим. —Тўл ёнга қоладиган бўлди.

МЕҲМОНДА

Бир киши узок қариндошиникига меҳмонга борибдию анча туриб қолибди. Уй эгаси уни кетармикан деган маънода:
— Бола-чақалар ҳам сизни соғингандир-а? —деб шаъма қилибди.
— Тўғри айтасиз, жуда соғиндим, бугун телеграмма бердим, улар ҳам эртага етиб келишади, — дебди меҳмон.

МАШИНА ҚАНДАЙ БОҚИЛАДИ?

Эр-хотин машина сотиб олиш мақсадида бозорга боришиб, битта машинага харидор бўлишди.

ЛАТИФАЛАР

— Қанча бензин ейди? —сўрабди эри машина сотувчидан.
— Жуда оз, бир қошиққина бензин ейди холос, — дебди машина эгаси бироз лоф қилиб.
— Ош қошиқдами ё чой қошиқдами? —деб сўрабди харидорнинг хотини.

ТУШУНМАДИ

— Отам ақлдан озиб, дўкон менга қолди.
— Демак, менга насиянинг муддатини чўзар экансан-да?
— Гапимни тушунмадинг, мен эмас, отам ақлдан озган, тушундингми?

АЙНИ МУДДАО

— Қўшни, итингиз яна менинг товғимни еб қўйибди.
— Яхши айтдингиз-а, бугун унга овқат бермасам ҳам бўларкан.

ДУШАНБА, 21

«Ўзбекистон»

15.00 «Тахилнома».
15.50, 20.50 «Минг бир ривоят».
15.55 «Қайтар дунё». Т/с.
16.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон табиати».
17.00, 19.30, 21.00 «Аҳборот».
17.15 «Олтин мерос».
17.20 «Эл тинчлиги йўлида».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Илҳор».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Қайтар дунё». Т/с.
18.50 «Бир кун».
19.15 «Одамлар оғушида».
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Анчик ёлгон». Т/с.
21.30 «Қорабайлар тўдаси».
21.55 «Сўнгги қиролиҳа» Т/с.
23.00 «Қўшиқлар, муҳаббат».
23.10 «Мерос». Т/с.

«Ёшлар»

15.55 «Ақдоллар садоси».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Шерлок Холмс». Т/с.
16.45 «Келажак овози».
16.55 «Юртим қарни».
17.00 «Ёшлар симфонияси».
17.10 «Сувни асранг».
17.20 «Келажак ағалари».
17.30 «Тасвир ва тасвирот».
17.45 «Ёшлиқ баъзи».
17.55 «Тошкент – 2200».
18.00 «Каминанинг оиласи».
18.20, 21.55 «ЎзЕХ хабарлари».
18.35 «Мулки мўлтот».
18.55 «Шарқ дарвозаси».
19.30 «Алия». Т/с.
20.15 «Одамқуруллар».
20.30 «Зулфия издошлари».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент оқшоми».
21.10 «Жумон» Т/с.
22.30 «Аёлга таъзим».
22.35 «SMS-музыка».
23.00 «Хавт-мамом» Т/с.
23.45 «Таскин».

«Тошкент»

17.55 М/ф «Синдбод. Етти денгиз афсонаси».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Будите здоровы».
20.20 «Милларос» Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозеба».
21.45 «Уларнинг».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Х/ф «Меркурий в опасности».

«Спорт»

18.00 «Тет-а-тет».
18.10 Миллий ўйинлар фестивали.
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Муслик тайм».
19.15 Тижелава атлетика.
19.50 «Спортлото».
20.00 Стрельба. Қўбоқ мира.
20.30 «Бизнес-ревью».
20.40 «Хиди меня».
21.50 Футбол.

«Первый канал»

4.00, 8.15 «Доброе утро».
9.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Контрольная закупка».
10.00 «Убойная сила». Сериал.

11.15 «Модный приговор».
12.20 «Детектив».
13.25 «Пятница. Простить».
13.50 «Похитителя генерального агента».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
16.20 «Жиди мена».
18.10 «Следы».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 Х/ф «Алостот».
21.30 «Белый Гейбелс. Жертвоприношение».
22.25 «Одноэтажная Америка».
23.40 «Царя подменили».
00.25 Х/ф «Запретная миссия».
2.30 Х/ф «Блестящая девочка не плачет».

«Россия»

10.50 Сериал «Частный детектив».
11.45 «Возвращения блудного попутца».
12.00, 16.00, 19.00 Вести.
13.00, 16.30, 19.30 Местное время. Вести-Москва.
13.40 Сериал «Мачеха».
14.35 «Суа идет».
15.30 «Кулалин и партнеры».
16.50 Вести. Дежурная часть.
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
17.55 «Родные люди». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Сериал «Батюшка».
21.50 «Городок».
22.50 «Вести».
23.10 «Честный детектив».
23.40 «Синемания».
00.05 «Везет, как утопленнику». Х/ф.

«НТВ»

2.05 «Дорожный патруль».
2.20 «Мой голубые небеса». Х/ф.
5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Следствие вели...».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня».
9.25 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
10.00 «Кулиничин поединок».
10.55 «Квартирный вопрос».
12.40 Сериал «Адакт».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.35 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
18.40 Сериал «Литейный, 4».
19.40 Сериал «Морские дьяволы-2».
20.35 Сериал «Закон и порядок».
22.05 Сериал «Ставка на жизнь».
23.05 «Школа словесия».
23.55 «Quattroto».
00.30 Детектив «Прекрасная Елена».
2.15 Сериал «Вероника Марс-2».
3.05 Сериал «Нашествие».
3.50 Сериал «Без следа-3».
4.35 Профессия – репортёр.

«СТС»

7.00, 5.55 «Человек-паук». М/с.
7.55, 14.00 «Смешарики». М/с.
8.00, 11.30, 18.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
8.30, 20.00 Сериал «Папины дочка».
9.00 «Кто уннее пятиклассника?».
10.00, 19.30, 1.00 Истории в деталях.
10.30, 22.00 Сериал «Кто в доме хозяйин?».
11.00, 17.30 «Галилео».
12.30 «Джек-пот для Золушки». Сериал.
13.30 Сериал «Папа на все руки».
14.30 «Тутенштейн». М/с.
15.00 «Приключения Вуди и его друзей». М/с.
15.30 «Приключения Джеки Чана». М/с.
16.00 «Чокнутый». М/с.
16.30 «Алиша волшебница». М/с.

17.00 Сериал «Сабрина - маленькая ведьма».
18.30 «Тайны Смолвиля». Сериал.
21.00 «Я лечу». Сериал.
22.30 Х/ф «Проклятые деревни Мидвич».
00.20 «б кадров». Скetch-шоу.
1.30 «Слава Богу, ты пришел!».
2.35, 4.35 Сериал «Королева экрани».
5.05 «Танцы со звездами». Сериал.

«ТВ-3»

8.00, 10.15 Мультифильмы.
8.45 М/ф «Вунчи-Пунчи».
9.15 М/ф «МТВ Бобби».
9.45 М/ф «Флинт-детектив во времени».
11.00, 17.00 Сериал «Баффи - истребительница вампиров».
12.00 Х/ф «Подземелье драконов».
14.00 Д/ф «Разрушители мифов».
15.00, 19.00 Сериал «Звездные врата».
16.00 Д/ф «Тайна гибели «Паксат-кора»».
18.00 «Упс!».
20.00, 1.00 Сериал «За гранью возможного».
21.00 Сериал «Кости».
22.00 Д/ф «Тайные знаки. Екатерина I. Коронованная ворожея».
23.00 Х/ф «Осталось в живых».
2.00 Х/ф «Проклятие-3».
4.00 Кульм личности».
7.00 Релакс.

СЕШАНБА, 22

«Ўзбекистон»
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.35, 20.50 «Минг бир ривоят».
8.40 «Дилчиқ навоилар».
9.00, 11.00, 13.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Аҳборот».
8.35, 13.55, 17.15 «Олтин мерос».
8.40, 18.10 «Қайтар дунё». Т/с.
9.25 «Илҳор».
9.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон табиати».
9.50 «Ўйла, Ўйла, Ўйла»
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Анчик ёлгон». Т/с.
13.00, 21.55 «Сўнгги қиролиҳа» Т/с.

14.20 «Эски альбом».
14.25 «Мукдидас қадимжолар».
15.05 Ушрилар симфоник оркестрининг концерти.
15.55 «Интелектуал ринг».
16.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон табиати».
17.20 «2008 йил – Ёшлар йили».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Йишони ва қаболат».
18.55 «Занулик».
19.15 «Хангалар оғушида».
19.35 Эркин мазну.
23.00 «Қўшиқлар, муҳаббат».
23.10 «Мерос». Т/с.

«Ёшлар»
6.55 «Ақдоллар садоси».
7.00, 18.00 «Каминанинг оиласи».
7.30 «Тўғри парвоз».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдон».
9.00 «Қамолот».
9.10 «Қадрдон қўшиқлар».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Ёшлар ила савҳат».
11.00 «Клопана».
11.30 «Нафасат олами».
11.40, 18.35 «Мулки мўлтот».
12.00, 21.10 «Жумон». Т/с.
12.40 «Journal».
13.10 «Напаравар».

14.00 «Пуаро». Т/с.
14.50 «Ёшлар йили».
16.10 «Шерлок Холмс». Т/с.
16.55 «Кулагини и партнеры».
17.00 «Дарвинг боласи».
17.10 «Мультипанорама».
17.50 «Боғлар табассуми».
17.55 «Боғлар баҳори».
18.30, 21.55 «ЎзЕХ хабарлари».
18.55 «Тошкент – 2200».
20.15 «Тафаккур чироғи».
20.40 «Автопатруль».
20.40 «Милларос».
21.00 «Юртим юраги».
22.30 «Футбол-2008».
23.00 «Хавт-мамом» Т/с.
23.45 «Таскин».

«Тошкент»
17.55 М/ф «Синдбод. Етти денгиз афсонаси».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда» Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Химия».
20.00 «Телекурьер» Т/с.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозеба».
21.45 «Уларнинг».
22.10 «Профессионал».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50 Х/ф «Ну что, приехали, ремонт».


«Спорт»
7.00 «Болрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 Самбо.
11.50 «Боллар спорт».
13.15 «Факел спорт» «Физулар».
18.50 «Муслик тайм».
19.10 «Ихтидор».
19.50 «Joker, SuperJoker». Телепортация нана».
20.00 Чемпионлар Лигаси қўндалиги.
20.30 «Бизнес-ревью».
20.40 Тажелава атлетика.
21.50 Стрельба.
22.20 «Чаб пик-3». Х/ф.
23.40 Футбол.

«Первый канал»
4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Контрольная закупка».
10.00 «Убойная сила». Сериал.
11.15 «Модный приговор».
12.20 «Детектив».
13.25 «Пятница. Простить».
14.20 «Ульяновы. Неизвестная семья».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.10 «Следы».
18.50 «Принцесса цирка». Сериал.
19.00, 2.00 Время.
20.30 «Алостот». Сериал.
21.25 План «Кавказ».
22.25 «Код жизни».
23.45 «Копия Поседадона».
00.30 «Доброе утро».
1.25, 2.30 Х/ф «День гнева».

«Россия»
4.00 «Доброе утро, Россия».
7.55, 2.20 «Дворожение. Вызов судьбы».
8.50, 4.55 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела».
9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.25, 19.30 Местное время. Вести-Московская область».
11.40 Сериал «Долгая дорога в дюнах».
13.20, 16.30 Местное время. Вес-

ти-Москва.
13.40 Сериал «Мачеха».
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
18.00 «Родные люди». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Сериал «Батюшка».
21.50 «Смертельное оружие. Судьба Макарова».
22.50 «Вести».
23.10 «Первый снег». Х/ф.
1.05 «Дорожный патруль».
1.25 Сериал «Закон и порядок».
3.10 «Комната смека».

«НТВ»
5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Наше все».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня».
9.25 «Чистосердечное признание».
9.55 Сериал «Секретная служба его величества».
12.35 Сериал «Тамбовская волиция».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
18.40 Сериал «Литейный, 4».
18.40 Сериал «Морские дьяволы-2».
20.35 Сериал «Закон и порядок».
22.05 Сериал «Ставка на жизнь».
23.05 «Главная дорога».
23.35 Х/ф «Крестовый поход в джунгли».<



7.00 Релакс.